ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Давримизнинг атоқли адиби, Қирғизистоннинг Бельгиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Чингиз Айтматов Брюсселдан Тошкент кинофестивали маъмуриятига кўнгироқ қилиб, бу анжуман фаолиятида ҳайъат раиси сифатида қатнашиш учун Тошкентга келишини маълум қилди. Сир эмас, бутун жаҳон Ўзбекистонда халқаро кино кўриги ўтказилишига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

"ДАМАС" ТИББИЁТ ХИЗМАТИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қишлоқ шифохоналарини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш муассасаларини 17 та "Дамас" автомашинаси билан таъминлади. Шифокорлар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу "тез ёрдам" автомашиналарида ишлаш жуда қулай эканини эътироф этишмоқда.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

МУАЛЛИМНИНГ МУЗЕЙИ

Хонқадаги Ойбек номли ўрта мактабда Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Рўзигул Раззоқова яратган тарих ва ўлкашунослик музейида уч минг донадан ортиқ экспонат болалар ўқув қуролига айланди.

Ўлка тарихи, қишлоқнинг ўтмиши ҳақидаги музейда Амир Темур даври тўғрисида ҳикоя қилувчи бўлим ҳам жиҳозланди.

Раъно ҚУРБОННИЁЗОВА.

ЙИЛОЙИКУН

17

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

"НЕКСИЯ" МАККАГА БОРДИ

Марғилондаги Қашқар маҳалласида яшовчи Обиджон Аҳмедов "Нексия" машинасини сотиб олганди. У шу машинада ҳаж сафарига отланди. Туркманистон, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони йўлларида 15 минг километрдан ортиқ масофа босиб ҳаж сафарини адо этиб қайтди.

— Яхши машина экан, панд бергани йўқ. Чет элларда машинамизга қойил қолишди, — дейди ҳожи ота.

Алишер ИБОДИНОВ.

"ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ"НИНГ 2000-СОНИ

Халқ депутатлари Навоий вилояти ва Навоий шаҳар кенгашларининг газетаси — "Дўстлик байроғи"нинг 2000-сони газетхонлар қўлига тегди. Юбилей сони газетанинг бошқа сонларидан мазмун ва шакл жиҳатидан ажралиб туради. Чунки унда табрик телеграммалари, ажойиб хушхабарлар кенг ўрин олган.

12 йил давомида вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган мазкур газета айни пайтда 4,5 минг нусхада чоп этилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

ТИЛ БИЛГАН ОЛАМНИ БИЛАДИ

Тошкентда республика олий ўқув юртларида чет тилларни ўрганаётган талабаларнинг олимпиадаси бўлиб ўтди.

120 йигит-қиз инглиз, немис ва француз тиллари бўйича ўзаро беллашдилар. Уларнинг билимига баҳо беришда чет эл давлатлари элчихоналарининг масъул ходимлари қатнашдилар. Ғолиб талабалар хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида бепул ўқиш, ўқувчилар эса олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул имкониятига эга бўлдилар.

Абдулла ҲОЖИАКБАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 17 май, шанба № 57 (22.141).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 16 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИГА ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услубларини жорий этиш, республикани ривожлантиришнинг мақбул макроиқтисодий пропорцияларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқ самарали ишлашини ташкил қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартирилсин.

2. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишларини, йўллари ва услубларини белгилаш, республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш;

макроиқтисодий ва моддий балансларни, миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тахминларини ва тахминий вариант ҳисобкитобларини ишлаб чиқиш;

Молия вазирлиги билан бирга тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

иқтисодиётнинг реал соҳасида энг мақбул суръатлар ва пропорцияларни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялаш;

ҳисобга олишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистик усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт, маданиятнинг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаравонлиги юксалишини назорат қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истиқболни белгилаш ва статистика буйича ишлаб турган булинмалар негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси — иқтисодиёт ва статистика вазирлигини;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларини;

республика шаҳарлари ва туманларида — иқтисодиёт ва статистика булимларини ташкил қилсинлар.

Мазкур органлар тегинли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига қарашлидир.

4. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи статистика бошқармаларининг раҳбарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси буйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинланадилар;

иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимига кўра вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳар иқтисодиёт ва статистика булимларининг раҳбарлари тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси буйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан тайинланадилар.

6. Иқтисодиёт ва статистика ҳудудий органлари зиммасига:

минтақаларда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳудудий балансларни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш буйича таклифларни тайёрлаш;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;

халқаро нормалар ва андозаларга мос келадиган статистика ахборотини йиғиш ва ишлов бериш усулларини жорий этиш, минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир булаётган жараёнларини статистик ҳисобга олиш ва таҳлил этиш тўлиқ ҳамда тезкор булишини таъминлаш вазифаси юклансин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 5 августдаги 449-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ун кун муддатда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 15 май.



Элимизнинг ризқи янада зиёда бўлсин. **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Хоразм вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Вилоятда 22 та газета, битта журнал нашр этилаётир, битта нашриёт, иккита телестудия фаолият кўрсатяпти.

Қўмита аъзолари масалани республика Давлат матбуот қўмитасининг етакчи мутахассислари билан биргаликда пухта ўрганганлиги йиғилишга ишчанлик руҳини бахш этди. Қўмита раиси Ў. Ҳошимов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, жойдаги вазият ўрганилганидан сўнг орадан ўтган уч ой мобайнида вилоятда талайгина ишлар амалга оширилди.

Бироқ мамлакатимиз тараққиёт йўли, улуғвор ишлар, адолатли жамият барпо этиш мезонларидан қаралса, вилоятда нашриёт ва оммавий ахборот воситалари иши, муассислар фаолияти Қонунлар талабига тўла-тўкис жавоб бераяпти деб бўлмайди. Газеталарнинг, «Хоразм» нашриёти чоп этаётган китобларнинг матбаа ижроси кўнгилдагидек эмас.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева қатнашди ва нутқ сўзлади.

Р. ҚОСИМОВ.

ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНГА ТАЙЁР

16 май куни Вазирлар Маҳкамасида ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раисининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Т. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов,. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот бердилар. Ахборотларда таъкидланганидек, нуфузли кинофестивалга 32 мамлакат ҳамда саккизта халқаро ташкилотдан кино усталари, санъат ва маданият арбоблари ташриф буюради. Фестиваль дастурида намойиш этиладиган фильмлар келтирилди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройи, «Ватан», «Гагарин», «Дўстлик», «Қозоғистон» ва «Нукус» кинотеатрлари фестиваль фильмларини намойиш этиш учун тахт қилиб қўйилди.

Анжуман кунлари Тошкент шаҳри байрамона безатилади. Фестиваль қатнашчиларига кўрсатиладиган маданий хизмат дастурини тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам асосан тугалланди.

Мажлисда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарларига фестивалга ҳозирлик ишларини ниҳоясига етказиш, уни юртимиз нуфузига хос юқори даражада ўтказиш юзасидан топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛИК РАҚАМИ

У кимга, қачон ва ким томонидан берилади?

Яккама-якка

1997 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга идентификация рақамларини бериш ва уларнинг қўлланилиш тизими тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот таъминоти ва компьютерлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Баҳодир АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбатимиз 1997 йил 1 апрелдан амал қилаётган ушбу қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида.

— *Баҳодир ака, солиқ тизимини компьютерлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар ва ютуқлардан хабардормиз. Шу сабабли, бевосита солиқ тўловчилик рақами олиш тартиби хусусида суҳбатлашсак.*

— Маъқул. Солиқ тўловчиларга идентификация рақами бериш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 388-сонли қарори, 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилмоқда. Уларга кўра, Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўз идентификация, яъни, солиқ тўловчининг идентификация рақамига эга бўлишлари шарт.

— *Яхшиям аниқлаштирсангиз...*

— Аниқроғи юқоридаги Низомга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ мажбуриятлари юзага келган барча ҳуқуқий шахслар;

б) Ўзбекистонда доимий яшовчи, шу жумладан, вақтинча чет элда бўлган фуқаролар ҳамда Ўзбекистонда доимий яшамайдиган, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ мажбуриятлари юзага келган (183 кундан ошиқ яшаган) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар солиқ тўловчининг идентификация рақамини олишлари шарт.

— *Бу рақамнинг кўриниши қанақа?*

— Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) тўққизта рақамдан иборат. Хусусан, рақамлар:

— 20000000Х дан 29999999Х гача ҳуқуқий шахслар учун;

— 40000000Х дан 79999999Х гача жисмоний шахслар учун, деб белгиланган. Бунда «Х» — назорат рақами бўлиб, уни солиқ тўловчилик рақами берилаётганда Ахборот марказидаги компьютернинг ўзи қўяди.

— *Рақамни олиш тартибида жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун қандай ўзига хос томонлари бор?*

— Республикамиздаги деярли барча меҳнатга яроқли аҳолининг солиқ мажбуриятларига эгалиги сабабли ҳуқуқий шахсларга нисбатан жисмоний шахсларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш борасида олдимизда улкан ишлар турибди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий шахсларнинг барчасига СТИР бериб бўлинган. Жисмоний шахсларнинг эса 1200 минг нафардан ошиқроғи бундай рақамлар олишган. Шу боис, жисмоний шахсларга СТИР бериш тартибига алоҳида тўхталмоқчиман.

Солиқ тўловчилик рақами олиш жисмоний шахс учун туман давлат солиқ инспекциясидан бошланади. Солиқ тўловчилик рақами беришни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатни янги иш бошлаётган тадбиркорлар рўйхатдан ўтиш пайтида, илгаридан фаолият кўрсатаётганлари эса ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ идорасига келиб тўлдирадилар. Бошқа солиқ тўловчиларга идентификация рақами беришни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳовлима-ҳовли юриб амалга оширилади. Барча тўпланган шакл-ҳужжатлардаги маълумотлар тегишли солиқ идорасида компьютерга киритилади ва электрон почта орқали Давлат солиқ қўмитасига юборилади. Қўмитанинг ахборотлар марказида ҳар бир солиқ тўловчи буйича маълумотларга ишлов берилади, тегишли идентификация рақами аниқланади ва электрон почта орқали туман давлат солиқ инспекциясига юборилади. Туман давлат солиқ инспекцияси шу асосида солиқ тўловчига идентификация рақами берилгани тўғрисида гувоҳнома беради.

Ҳуқуқий шахсларнинг солиқ тўловчилик рақами олиши ҳам давлат солиқ идорасида юқоридаги тартибда амалга оширилади.

— *Шу ўринда баъзи саволлар ҳам туғилади. Хусусан, ҳуқуқий шахслар ўз филиалларини ташкил этиши мумкин...*

— Филиаллар ўз ҳисоб-китоб рақамига эга ҳуқуқий шахс бўлгани тақдирда СТИР оладилар. Фақат рўйхатдан ўтиш ҳужжатларида бош корхонанинг идентификация рақамини ҳам кўрсатадилар. Ҳар бир солиқ тўловчи фақат битта солиқ тўловчининг идентификация рақамига эга бўлади.

— *Демак, биз солиқ тўловчи сифатида бир марта СТИР оламиз ва бу тўқизталик рақам умрбод ва ҳамма ерда биз билан бирга бўлади?*

— Ҳа. Солиқ тўловчининг идентификация рақами корхона-ташкилот тугатилгач, жисмоний шахс вафот этган ёки чет элга бутунлай кўчиб кетгач уч йил ўтгандан сўнггина бекор қилинади.

— *Солиқ тўловчилик рақамларини олиш бизга нима беради?*

— Биринчидан, республикамиздаги барча солиқ тўловчилар тўла ҳисобга олинади ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш жараёни соддалашгани ҳолда кескин тезлашади. Иккинчидан, солиқ тўловчилар, даромадлар, мол-мулк буйича барча ахборот марказлашган ҳолда бир жойда — Давлат солиқ қўмитаси Ахборотлар марказида тўпланади. Учинчидан, солиқ идоралари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ахборот алмашинув тартибга тушади, ишончлилик даражаси ошади. Тўртинчидан, ҳар қандай солиқ тўловчи олти ой, бир ёки уч йил илгари қанча даромад олгани-ю, қанча солиқ тўлагани, суғурта ва нафақа жамғармаларига неча сўм ўтказгани тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Суҳбатдош: Ибодулла ЎСАРОВ.

КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

1

1. АДОЛАТ МЕЗОНИ

Яқинда жуда кўп халқлар ғалаба кунини байрам қилишди. Бу байрам юртимизда ҳам кенг нишонланди. Байрам куни Президентимиз ўртага ташлаган фикрлар барчамизнинг дилимизда армон бўлиб ётган эди. Мен бир ёзувчи ҳам уруш қатнашчиси сифатида у кишининг қуюниб айтган гапларини тинглайтуриб, шу пайтга қадар уруш мавзуига адолат мезонидан ёндошмай келганимизни чуқур ҳис этдим, ўкиндим. Ваҳоланки, биз — ижодкорлар, юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқлолдан кейин урушга, бу мавзунинг мазмун-моҳиятига, умуман, бу байрамга мутлақо бошқача кўз билан қарашимиз, бу бир халқнинг бошқа бир халқ устидан қозонган ғалабаси деб эмас, балки ёвузликнинг маҳв этилиши, эзгулик тантанаси сифатида тасвирлашга киришишимиз лозим эди.

Умуминсоний маданий муносабат шуни тақозо этади.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, бизнинг олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. Биз урушга янгича қарашни, миллий муносабатни шакллантирадиган асарлар яратишимиз лозим. Урушда жон фидо қилган йигитлар сўнгги дамида онажонини, ёри бўлса агар, уни, ўзи ҳимоя қилган уйи, қишлоғи — киндик қони томган тупроқни ёд этган.

Уруш йиллари миллиондан ортиқ аҳоли юртимизга кўчириб келинган, уларга ҳам, шунингдек, икки юз мингдан зиёд етимга ҳам халқимиз уйининг тўридан жой берган, борини бирга баҳам кўрган.

Президентимизнинг куюниб айтган бу гаплари мени тўлқинлантириб юборди, ҳақиқатан ҳам инсон хотираси азиз, лекин уни бизнинг халқимизчалик ўрнига қўядиган, маросимлари ҳам ҳамжиҳатликка ундайдиган бошқа бир халқ ер юзида бормикин?!

Беихтиёр ўн яшар пайтим, оиламиз бошига оғир кулфат тушган — «халқ душмани» сифатида отамнинг қамалгани ёдимга тушади. Кейин... халқимизнинг буюклиги бир четда қолиб, уни «пахта иши»да, «қўшиб ёзиш»да айблашган қора кунлар дилимни ўртайди.

Бир оёғимиз ҳали Москвда бўлган кезлар, собиқ иттифоқ халқ депутатларининг талотўп йиғинлари, Фарғонадаги қонли воқеалар, ҳар биримиз тинчлик ва осойиш истаган пайтлар, Гуржистон, Озарбойжон, Тожикистонда тўкилган қонлар... бир-бир хаёлдан ўтади.

Ким билсин, Ислом Каримов вақтида қатъият кўрсатмаганида бугун барчанинг ҳавасини кўзғаётган юртимизда нималар рўй бермасди. Шу ҳақда ўйлар эканман, «ахир мен билган, мен ҳис этган воқеаларни ҳаммаям билмайди-ку», деган фикрга бордим ва қўлимга қалам олдим.

2. БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

Инсон ҳаёти шундай эканки, у вақт қандай ўтганини сезмай қоларкан. Бугун ўйлаб қарасам, ўлкамиз осмонида миллий байроғимиз ҳилпираб, юртимиз истиқлолга чиққанига ҳам сал кам олти йил бўлибди.

Тарихчилар мозий учун олти йил олти дақиқа ҳам эмас, дейишади. Эҳтимол, шундайдир. Лекин инсоният тарихида шундай даврлар бўлганки, олти йилда олтмиш, балки олти юз йиллик ишлар қилинган. Албатта, бу ишларни кўра олиш, уларнинг қадрига ета билиш керак.

Назаримда, мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган олти йил ана шундай буюк бунёдкорлик йиллари бўлди. Бундан олти йил муқаддам асос солинган кўркам боғимизнинг илк ниҳоллари гулга кирди, яна бир-икки йилдан кейин бугун гулга кирган ниҳоллар мева беради. Шунда бугунги қийинчиликлар орқада қолади-ю, боғимиз меваларини териб адо қилолмайдиган тўкин-сочин даврлар кириб келади.

Мен бугун гулга кирган бу гўзал боғнинг шакл-шамойилини чизиб, илк ниҳолларни ўтқазган бош боғбонимиз ҳақида ўйлаган онларимда, у киши биринчи раҳбар бўлиб сайланган дастлабки йилларни эслайман. Оғир, ниҳоятда мураккаб давр эди у давр. «Ўзбек иши» баҳонасида халқ бошига солинган кулфат ва ҳақсизликка ҳали чек қўйилмаган, ҳали кўп оналарнинг кўз ёшлари қуримаган эди. Ўша даврдаги «арбоб» Р. Нишоновнинг ибораси билан айтганда, «бир товоқ қулупнай сабаб» Фарғонада бошланган ёнғиннинг тутуни осмони фалакда ҳали тарқаб битмаган эди. Бу ҳам етмагандек, Ўш фожиалари бошланган. Нишоновнинг заифлиги, иродасизлиги ва марказ чизиб берган чизиқдан бир қарич ҳам чиқа олмай, чўчиб-қалтираб ишлаганлиги оқибатида мамлакат ниҳоятда машкул бир аҳволга тушиб қолган эди. Дарҳақиқат, янги келган биринчи раҳбаримизнинг дастлабки қадамлари ана шундай оғир вазиятга тўғри келган ва биз — у кишининг замондошлари бу оғир кунларнинг гувоҳи бўлганмиз.

Сира эсимдан чиқмайди: вазият шундай мураккаб эдики, ҳар куни Ёзувчилар уюшмасига Ўшдан қочиб келган одамлар, ёшу кекса аёллар, кўзлари қўрқувдан ола-була ёш болаларини етаклаб олган келинчаклар, қариялар келишарди. Биз уларга қўлимиздан келган ёрдамимизни берар, болалик келинчакларга «дача»дан жой ажратардик. Бир кун телефон бўлиб қолди. Биринчи раҳбаримиз йўқлабдилар.

2

Борсам, қабулхона тўла одам. Ҳамманинг юзида ташвиш аломати. Рухсат билан ичкарига кирдим. Уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган Ислом Абдуғаниевич ким биландир телефонда гаплашаётган эканлар. Менга, ўтиринг, деб имо қилдилар-да, телефонда гаплашишни давом эттирдилар:

— Вадим, — дедилар у киши ҳорғин ҳолатига зид бир қатъият билан. — Вазият сен ўйлагандан ўн баробар мураккаб, Фарғона ва Андижон аҳолиси Ўш чегарасига кўчиб чиққан. Кўпчилиги қиз-ўғилларидан жудо бўлган одамлар. Икки томондан ҳам талофат катта. Мен уч-тўрт кун шу халқ орасида юриб, уларни тинчитишга уриндим. Кечаси қайтиб келган эдим. Ҳозир яна қайтиб бораман. Халқ ичида бўламан, осойишталикка чақираман. Лекин вазият оғирлашса, сенга телефон қиламан. Сени қаердан топаман? Аниқ координатингни бер.

Вадим (кейин билсам, у собиқ СССРнинг ички ишлар вазири В. Бакатин экан) керакли телефонларни айтган бўлса керак, Ислом Абдуғаниевич ён дафтарига ёзиб олдилар, сўнг уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқалаб, бир зум хаёлга толиб ўтирдилар-да, ҳорғин бошини кўтариб:

— Хўш, ёзувчи акалар, — дедилар юртбошимиз. — Аҳволни кўриб турибсизлар, шу вазиятда бизга қандай ёрдам беришларингиз мумкин?

Мен қўлимиздан келган ишларни қилаётганимиз, битта-яримта қочоқларни ёзувчилар дачасига жойлаштираётганимизни гапириб бердим.

Ислом Абдуғаниевич бир хўрсиниб олдилар.

— Битта-яримта одамга ёрдам бериш билан иш битмайди. Бу — Ёзувчилар уюшмасининг иши эмас. Бугун ёзувчи ва журналистларнинг, умуман, зиёлиларнинг биринчи вазифаси — халқ орасида бўлиш. Оташин сўзлари, ақлидроклари билан жунбушга келган оломонни осойишталикка чақириш! Ёнғинни бостириш! Мана, сизларнинг энг олий бурчларингиз. Ўшга боринглар, бошларига мусибат тушган хонадонларга киринглар, кўнгил сўранглар, тасалли беринглар. Катта ёзувчиларимиз ҳам чегарага бориб, одамлар орасида бўлишса, яхши сўзларини айтишса, кўнгилдаги иш бўлур эди. Бироқ... — Ислом Абдуғаниевич ярим дақиқа сукут сақладилар-да, ўзгача бир қатъият билан давом этдилар: — Борувчилар орасида халқни тинчликка чақириш ўрнига баттар ўт ёқадиган бузғунчилар бўлмасин. Улар бизга керак эмас. Хўп, сизларга оқ йўл. Мендан бирор маслаҳат керак бўп қолса — чегарада бўламан.

Бу оқ фотиҳа кейинчалик бизга катта мадад берди. Биз Ўшда бошларига мусибат тушган кўп оилаларда бўлдик. Қуръон ўқиб, кўнгил сўраб кўп оилаларнинг оғирини енгил қилишга уриндик. Эртасига Ўш телевидениеси орқали ҳар иккала халққа мурожаат қилиб, осойишталикка, кечиримли бўлишга, яхшиликка чақирдик.

3. ОТА ҚАТТИҚҚЎЛ БЎЛМАСА...

Ўшда маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юрар эканмиз, юртбошимиз ҳам халқ орасида юрганини, бошларига кулфат тушган оилалар билан суҳбат қуриб, уларни тинчлик ва осойишталикка чақирганликларини эшитиб турдик, оғир дамларда халқдан яшириниб ўтирмай, билъакс халқ билан мулоқотда юрганлиги бизга ҳам мадад бериб турди. Сал ўтмай Фарғона ва Ўш, Қўқон ва Пискент ёнғинлари ўчиб, осмонда офтоб чарақлади, эл тинчиди. Шунда юрт орасида:

— Юртбошимиз қаттиққўл экан, — деган гаплар ҳам чиқди. Лекин ҳеч ким бу сўзни салбий маънода айтгани йўқ. Одамлар: — Ота қаттиққўл бўлмаса, кўнгилчанлик қилса, фарзандлар талтайиб, ноқобиллик йўлига кириб кетар экан, — деган маънода айтишди бу гапни.

Мана, шундан бери олти-етти йил ўтди. Элимиз, Оллоҳга шукр, тинч-осойишта, борйўғи олти йил ичида қатор гигант завод ва фабрикалар бунёд этилди, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиз батамом янги қиёфага кирди. Майли, бу тўғрида кўпроқ иқтисодчи олимлар сўзласинлар, мен эса шу олти-етти йил давомида тарихимизни тиклаш, буюк аждодларимиз яратган олтин меросни халқимизга қайтариб бериш,Улуғбек, Бобур, айниқса, Амир Темурдек буюк боболаримизни дунё миқёсида улуғлаб, уларнинг руҳларини шод этишдек савоб ишларни эсласам... атоқли бир олимимизнинг «бу ишларни рўёбга чиқариш учун отнинг калласидек юрак керак эди», деган гапи ёдимга тушаверади. Лекин мен ҳозир бу ҳақда батафсил фикр юритмоқчи эмасман. Имоним қомил: ўтган қисқа фурсат ичида амалга оширилган улуғ ишлар ҳақида ҳали буюк солномалар, теран романлар, ёрқин достонлар ёзилажак. Ҳозир эса мени, фақат мени эмас, эзгу ишларнинг қадрини ҳам, ҳаётда рўй бераётган қийинчиликларнинг туб сабабларини ҳам теран англаб, сабр-матонат билан меҳнат қилаётган ҳар бир заҳматкаш инсонни ранжитаётган бир масала устида фикр юритишни истар эдим.

4. ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС

Биз-ку, олти йил давомида тинчлик ва осойишталик шароитида бунёдкорлик иши билан банд эканмиз, нега ганимларимиз буни тан олиш ўрнига аксини қилишади? Нега бундан олти-етти йил муқаддам, истиқлолга чиқишимиз арафасида бошланган бўҳтон ва уйдирма — «Ўзбекистонда рус ва Европа халқларининг ҳуқуқлари поймол қилиняпти», «ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши оқибатида рус тили камситилаяпти, рус мактаблари ёпилаяпти, шу боис рус аҳолиси мамлакатни тарк этиб, Россияга кўчиб кетаяпти», деган куракда турмайдиган гаплар сира тўхтамайди? Бу сохта гапларни нафақат рус матбуоти, балки кечагина президентликни талашиб, умумхалқ сайловида мағлуб бўлган «дўст»ларимиз ҳам илиб олиб, хорижий радио орқали кўпиртириб вайсашдан чарчашмаяпти.

Албатта, гап камчиликлар, катта ишда учрайдиган қийинчиликлар ҳақида борса, бунга эътироз билдириш, масала талашиб ўтириш биз учун номуносиб бир иш бўлур эди. Қийинчиликлар бор, ҳатто кўп. Лекин гап катта ишда ҳамиша бўлган ва бўладиган қийинчиликлар ҳақида эмас, балки тирноқ орасидан кир қидирувчилар тўғрисида боряптики, бундай вазиятда оғзимизга талқон солиб ўтиришимиз ҳам оқилона иш бўлмайди. Кейинги йилларда умумий олди-қочди гаплар, асоссиз бўҳтонлар, ғийбатлар устига «собиқ СССРни ва собиқ Компартияни тиклаймиз», деган сохта шиорлар қўшилди. Бу даъватлар ҳануз давом этиб келяпти. Рост, бу совуқ гаплар рус халқининг донишманд фарзандлари, заковатли зиёлиларидан чиқаётгани йўқ, уни бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишга ўрганиб қолган ва ўша даврларни қўмсаётган кимсалар айтаётир.

Мен бу ҳақда ўйлаганимда 1995 йил Москвда фашизмга қарши урушда қозонилган ғалабанинг эллик йиллиги нишонланган кунлар ёдимга тушади. У кўнлар ҳақиқатан жуда катта тантаналар билан ўтди. Унда фақат Россия Федерацияси эмас, балки урушда қатнашган барча МДҲ давлатлари делегациялари ҳам иштирок этишди. Кителларининг этагидан ёқаларигача орден ва медаллар тақилган, ёшлари бир жойга бориб қолган уруш қатнашчилари бири оқсоб бўлса, бири хўроздай кўкрак кериб қизил майдондан ўтдилар. Параддан кейин собиқ совет армиясининг офицерлар уйида салкам икки минг кишилик муҳташам театрга йиғилдик. Йиғилганларнинг аксари генерал ва маршаллар. Ҳудудсиз зал кўкраклари орден ва медалларга тўлган генералларнинг одимларидан ларзон-ларзон. Албатта, бу инсонларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари, ғалабага қўшган ҳиссаларини тан олмоқ даркор. Фақат бир нарсага ачинасан киши: асрлар давомида орзу қилиб, аранг истиқлолга чиққан халқларнинг қадам-бақадам бўлса ҳам эришаётган зафарларидан қувониш ўрнига маломат тошларини отаётганлардан ранжийсан, ғазабланасан киши.

Ваҳоланки,қор босган рус далаларида тўрт юз мингга яқин навқирон йигитларимиз аёвсиз жангларда тоабад кўз юмган. Шарқий Овропа мамлакатларини озод қилишда ҳалок бўлган ўн мингларча ёш йигитларимиз-чи, ака-ука, тоға-жиянларимиз-чи? Биз уларнинг муборак исмлари ёзилган қабр тошларини Варшава ва Прага, Братислава ва Бухарест, ҳатто Вена шаҳарларида кўрганмиз, кўзларимизда ёш, гулчамбар қўйганмиз. Ўзбекистон ўнлаб ҳарбий заводларни қабул қилиб, уларнинг томларини ёпиб битирмасдан турибоқ, фронтга самолёт, танк, ўқ-дори, замбараклар тайёрлаб берган. Ўша йиллари собиқ СССРнинг Овропа қисмидан эвакуация қилинган бир миллиондан кўпроқ рус, украин, белорусь, яҳудий аёллар, чолу кампирлар кўчиб келган, одатда икки хоналик уйда яшаган ўзбек хонадони бир хонасини уларга бўшатиб берган, кўп хонадонларда қозон-товоқлар ҳам бир бўлиб, топган-тутганларини бирга баҳам кўришган. Халқимиз худди ўз фарзандларидек қабул қилиб бағриларига босган икки юз мингдан ортиқ етимлар-чи? Улар ҳақида юрак қони ва кўз ёши билан ёзилган ва ўша йиллари жаҳонни зир титратиб, бутун курраи заминни айланиб чиққан «Сен етим эмассан» шеъри-чи? Бу шеърни ким ёзган? Улуғ ўзбек шоири Ғафур Ғулом эмасми?

Лекин бу фожиий ҳақиқатни рус тарихчи ва адиблари баралла айтдиларми? Яратган фильм, ёзган солномаларида мардларча тан олдиларми? Йўқ, тан олганлари йўқ.

Турли миллатларнинг ўзаро тотувлиги ҳеч қаерда Ўзбекистондагичалик бўлмаса керак, қолаверса, тилимизга давлат тили мақоми берилганлиги сабабли диёримизни тарк этган рус аҳолиси йўқ. Фарзандларимиз Навоий ва Бобур, Ғафур Ғулом ва Ойбекни қўлларидан қўймаганларидай Пушкин ва Толстой, Шекспир ва Бальзак асарларини ҳам кўзларига суртиб мутолаа қилмоқдалар...

Дарвоқе, ўша мажлисда минбарга биринчи бўлиб Украина делегациясининг раҳбари, ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, таёқ ютгандай қадди сарв генерал кўтарилди. Гапни Борис Ельцинни қоралашдан, уни собиқ СССРни парчалашда айблашдан бошлади ва охир пировардида собиқ компартияни ва собиқ иттифоқни тиклаш керак, деган шиорни ўртага ташлади.

У сийқаси чиққан баланд-парвоз гапларни ипга тизиб:

— Хўш, ўртоқлар, — дея хитоб қилди. — Биз бу ноҳақликка лоқайд қараб, бир чеккада томошабин бўлиб туравермизми ёки уруш йилларидагидек қўлимизга қурол олиб адолатни тиклаймизми?

— Тиклаймиз! Яшасин компартия! Яшасин СССР!

Иккинчи бўлиб яқин ўтмишда бўлгани каби белоруссиялик генералга сўз берилди. У ҳам ўз нутқини ўша шиор билан якунлади.

Ҳа, ўтмишни қўмсаш, СССРни тиклаш орзусида юрганлар ўша пайтларда ҳам оз эмас эди.

Президентимизнинг бу ғалабага барча халқлар ҳисса қўшганлиги, лекин бу ҳақиқат эътироф этилмаганлиги ҳақидаги қалб сўзларини эшитар эканман, ўша мажлис ва унда айтилган бир ёқлама ваъзлар ёдимга тушди. Бу урушни акс эттиришда йўл қўйилган ва ҳамон давом этиб келаётган адолатсизликлар ҳақида Президентимиз куйиб-ёниб айтган фикрлар ҳар бир ижодкорни жиддий ўйга толдиради. Жангда қаҳрамонлик кўрсатган юртдошларимиз жасорати Матросовлар соясида қолиб кетди, уларни жонфидоликка ундаган манба нотўғри талқин этилди.

Биз бундан буён ш у хатоларни тузатиш, уруш мусибатларини юртбошимиз даъват этганларидек, тасвирлаш билан бирга юртдошларимиз қандайдир тепалик ёки қўрғон ҳимояси учун эмас, балки ўз юрти, оиласи, сиз билан бизнинг осойишимиз учун, катта миқёсда олиб қараганда, инсониятни ёвузликдан халос этиш, эзгулик тантанаси йўлида жон берганлигини ҳаққоний акс эттиришимиз лозим. Бундай асарлар келажак авлод тарбияси учун ҳам, шубҳасиз, ижобий хизмат қилади.

5. ҚАРЗДОРЛИК

Уруш қурбонлари ҳақидаги адолат ва ҳақиқатни тиклашда биринчи навбатда рус тарихчилари, рус адиблари бурчлидир.

Гап шундаки, XIX аср рус адабиёти адолатли адабиёт сифатида доврўғ чиқарган. Бунга сабаб — ўтган аср бошларида чоризм бошлаган Кавказ уруши авжига чиққан бир пайтда Пушкин, Лермонтов, Толстой Кавказ халқларига нисбатан чуқур меҳр ва ҳамдардлик билан суғорилган «Кавказ асири» деган учта ўлмас асар яратишган. Толстой кексалик чоғида чечен халқига меҳр ва эҳтиром билан йўғрилган «Ҳожимурод» қиссасини ёзган. Ҳожимуроднинг оғир жангда ҳалок бўлиши ва унинг калласини танасидан жудо қилиб, хуржунга солиб, рус қалъасига олиб келиниши тасвирланган саҳифаларни кекса ёзувчи кўз ёши билан суғориб битган. Шунинг учун ҳам улуғ адиб бу мудҳишликни қилган офицерларни оддий рус аёли Мария Павловна тили билан шафқатсиз лаънатлаган.

Хўш, бугун қани ўша адолат? Нега рус тарихчилари, адиблар ва санъаткорлари ўз асарларида тўрт йил давом этган қонли урушда руслар билан елкама-елка туриб жанг қилган бошқа халқ фарзандларини камдан-кам ҳолдагина тилга олишади? Гўё улар бу урушда иштирок этмагандек, гўё бошқа халқларнинг миллион-миллион ўғлонлари фашист танкларига қарши кўкракларини тутиб бермагандек. Етмишинчи йилларнинг охирида суратга олинган «Ғалаба» фильмини бир эсланг. Йигирма сериядан иборат бу фильмда битта ҳам ўзбек жангчисини кўрмайсиз, бошқа халқ фарзандлари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳам буткул четлаб ўтилган. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Шу ҳам адолатми? Ғалабага барча халқлар бир тан-бир жон бўлиб эришилган дейилади-ю, амалда бунинг акси қилинади. Албатта, биз ўзимиз ҳам бу масалада халқ олдида қарздормиз.

Бу армон фақат бизнинг эмас, балки бошқа халқларнинг ҳам юрагида бор.

6. «МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИНГ ЯҚИНЛИГИ ҲАМИША ЯХШИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛГАН»

Бир куни телефон жиринглаб қолди. Олмаотада бошланаётган Ўзбекистон кунлари иштирокчилари орасида мен ҳам бор эканман. Эрталаб соат ўнда аэропортга чиқинг, дейишди.

Кўпчилик яхши билади: юртбошимиз узоқ-яқин сафарларга чиққанларида бажо келтирадиган яхши бир одатлари бор: самолёт ҳавога кўтарилгандан кейин у киши ўз салонидан чиқиб, бирга учаётган ҳар бир одам билан кўришади, ҳол-аҳвол сўрашади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Самолёт кўкка кўтарилгандан кейин у киши ўз салонидан чиқиб, барчамиз билан битта-битта кўришдилар, баъзилар билан бир оғиз-икки оғиз гаплашдилар, баъзиларга эса ҳазил-мутойиба қилиб, кулишдилар.

— Мана, Қозоғистонда Ўзбекистон кунларини ўтказишга кетаяпмиз. — дедилар сўнгра. — Биз «Туркистон — умумий уйимиз», деймиз. Ҳақиқатан, муҳим ғоя, шунчаки шиор эмас. Олмаотада бошланаётган дўстлик байрами муносабати билан зиёлилар орасида бу ишни катта миқёсга олиб чиқсак, халқларимиз фани ва маданиятини яқинлаштирадиган ишлар қилсак, узилиб қолган дўстлик ришталаримизни қайта тикласак, қандай қарайсизлар, яхши бўладими? Ахир, Мухтор Авезов билан Ойбек, Ғафур Ғулом билан Собит Муқоновлар қанчалик яқин бўлганини биласизку! Маданият арбобларининг яқинлиги ҳамиша яхшиликка хизмат қилган. Қани, қозоқ дўстларингизнинг фикрини билинг-чи. Улар нима дейишаркан?

Ўша куни кечқурун Олмаотанинг энг муҳташам санъат саройида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари очилди. Ҳар иккала Президентлар ҳам олис ва яқин тарихга мурожаат қилишиб, икки халқнинг улуғ фарзандларининг доно гаплари ва панду-насиҳатларини эслашиб, катта нутқ сўзладилар. Тўрт ярим минг кишилик муаззам сарой йиғилганлар қарсагидан бот-бот силкиниб турди.

Эртасига Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида шу масалага бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Олимларимиз қозоқ олимлари билан, санъаткорларимиз санъаткорлар билан суҳбатлашдилар. Шу-шу иш юришиб кетди. Сал ўтмай бу ҳаракатга қирғиз зиёлилари, улардан кейин тожик маданият арбоблари қўшилдилар. Ташкилий қўмита тузилди. Ташкилий қўмитага Чингиз Айтматов раис этилиб, кейинчалик қурултойда эса, Ассамблеянинг президенти лавозимига сайланди.

Қурултой ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Анжуман шуни кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам биз бири-биримизни соғиниб қолган эканмиз, илгариги биродарлигимизни тиклаш, дўстона учрашувлар, шеърий кечалар ўтказиш, таржима ишларини йўлга қўйиш мавриди келгани ҳақида нақадар қуйиб-пишиб гапиришди. Фақат қурултойда эмас, ўзаро суҳбатларда ҳам, дастурхон атрофида ҳам шу ҳақда сўзлашдик, маслаҳатлашдик. Марказий Осиё мамлакатлари Мустақилликка эришгандан бери бундай аҳиллик, бирдамлик, иноқлик бўлмаган эди. Лекин надоматлар бўлсинки, қурултойдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмасданоқ аввал Россия матбуотида, сўнгра хориждаги эски «дўстларимизнинг» ғирт бўҳтондан иборат мақола ва интервьюлари пайдо бўла бошлади. Гўё бу Ассамблея Ўзбекистондан бошқа ҳеч кимга керак эмас эмиш, гўё Ўзбекистон бу ҳаракатдан фойдаланиб, Марказий Осиёдаги бошқа халқларга «катта ака» бўлмоқчи эмиш ва ҳоказо ва ҳоказо. Биз бу уйдирма гапларни жавобсиз қолдирмадик, албатта. Чингиз Айтматов чет элларда, биз эса ўз юртимизда матбуот, радио ва телевидение орқали чиқишлар қилдик. Лекин бу мақола ассамблея ҳақида эмас. Аслини айтганда, бу мақола адолат ва адолатсизлик ҳақида. Бизнинг ёш мустақил давлатимиз нақадар оғир ва мураккаб шароитда иш олиб бораётгани тўғрисида.

7. «СИЗЛАРГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ»

Яратган эгамга шукроналар билдиргим келади, чунки тақдир тақозосига кўра Ёзувчилар уюшмасида ишлаб юрган пайтларимда юртбошимиз билан мулоқотда бўлиб, сафарларда суҳбатларини олишга муяссар бўлганман. Назаримда, бу суҳбат ва мулоқотлардан олган таассуротларим диққатга моликдек, шу боис ҳам ушбу мақолани ўша таассуротлар билан якунласам, дейман.

Бундан бир-икки йил муқаддам юртбошимиз йигирма чоғлик ёзувчи ва олимларни йиғиб, суҳбат ўтказдилар. Суҳбатда адабиёт, санъат, фанимиз тараққиётига оид жуда кўп долзарб масалалар ўртага ташланди, бу ҳақда атрофлича фикр алмашув бўлди. Шунда айрим адибларимиз яқин ўтмишда йўл қўйган нуқсонлар, ким қандай хато қилганлиги, ким бехато ишлагани, ҳақидаги гап-сўзлар юзага чиқиб қолди. Шунда юртбошимиз ҳамма учун ибратли, келгуси ишларимизда барчамизга йўл-йўриқ бўладиган бир фикрни айтдилар:

— Ҳаммамиз ҳам коммунистик даврни бошимиздан кечирган одамлармиз. Сизлар ҳам ўша мураккаб мустабид тузумда ижод қилгансизлар. Эҳтимол, бирингиздан кўпроқ, бирингиздан озроқ бўлса-да, хато ўтган. Хато қилмаган одам йўқ. Шундай экан, бугун ким кўпроқ хато қилди, ким озроқ деб, бир-бирингизни ковлаштириб юришларингиз, менингча, мутлақо бесамар бир иш. Ундан кўра ҳаммангиз бир бўлиб, аҳил ишлаб, ўтган хатоларни ҳадеб пеш қилавермай, вазминлик билан илмий асосда тўғриласаларингиз — бунинг самараси каттароқ бўлади.

Балки бу сўзлар ҳозирги тартибда эмас, сал бошқачароқ тарзда айтилгандир, лекин мазмунига тўла жавоб бераман. Энг муҳими, бундан бир-икки йил муқаддам билдирилган бу маслаҳат бугун, янги тарих яратиш борасида иш бошлаш арафасида турганимизда яна-да каттароқ аҳамият касб этажагини қайта-қайта эътироф этгим келади.

Ёки Президентимизнинг зиёлиларимиз тўғрисида жон куйдириб, ғамхўрлик билан айтган яна бир сўзини эслайлик. Бу унутилмас сўзни юртбошимиз буюк шоиримиз Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кечада айтдилар:

— Ғафур Ғулом бу шон-шарафларнинг ҳаммасини ҳам кўрмасдан оламдан ўтиб кетдилар, — дедилар у киши. — Келинглар, бундан кейин шундай қилайликки, фан, адабиёт ва санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган зиёлиларимиз бундай шон-шарафларни кўзлари тирик вақтларида кўриб қолсинлар.

Эсдан чиқмас ажойиб гаплар!

Шу муносабат билан мақолани якунлар эканман, юртбошимизнинг давлат раҳбарлигига келган кунлариёқ дадил рўёбга чиқарган яна бир одилона иши ёдимга тушди.

Ҳали сунъий ташкил этилган «ўзбек иши»нинг қўланса ҳиди тарқаб улгурмаган, бошларига кулфат тушган эр-хотин, болачақаларнинг кўз ёшлари қуриб битмаган оғир йиллар. Ўша мураккаб вазиятда Ислом Абдуғаниевич ҳақиқат ва адолатни тиклашга бел боғлади. Юртнинг энг бообрў ва энг ҳалол кишиларидан иборат катта комиссия тузди. Комиссия жабрдийдаларнинг ишлари билан танишиб чиқиб, шу ишларни судда қайта кўриб чиқиш лозим, деган фикрга келди. Суд эса ўзбек иши сохта гаплар, асоссиз бўҳтонлар, қўрқитиб ёздирилган аризаларга суяниб бошланган уйдирма гап эканлигини исботлаб, қайта кўриб чиқди ва жуда кўп одамларнинг беғубор пок номларини, обрўларини тиклади. Ҳақиқатан, ҳали Гдлянлар қиличини қинига солмай туриб, ҳануз тишларини ғижирлатиб юрган пайтда бундай ишга журъат этиш — кимнинг қўлидан келарди? Фақат адолат ва ҳақиқат истаги билан яшаган раҳбаргина бунга журъат қила оларди...

Ўшанда машъум «ўзбек иши»ни ташкил қилган терговчилар, «ўлган ўзбекнинг йиртиқ чопонини ахтарсанг юз минг сўм чиқади», деб ёзган журналистлар бугун Россияда бўлаётган ишларни кўрмаяптими? Россиядаги коррупция ва порахўрлик олдида «пахта иши» сабаб юз берган нуқсонлар фил қаршисидаги пашшадан ҳам кичик эканлигини билмайдиларми? Биладилар. Лекин улар орасидан бирорта адолатли журналист ё адиб чиқмадики, ўз бўҳтонларини тан олсин, тан олиб ўзбек халқидан узр сўрашсин. Аксинча, узр сўраш ўрнига ғирт туҳмат ҳануз тинмайди.

Мен бу ҳақда ўйлаганимда яна ўша тўқсонинчи йилларнинг бошидаги қийинчиликлар, эндигина раҳбар бўлиб келган Ислом Каримовнинг чеҳрасидаги ташвишлар, Фарғона ва Ўш фожиалари ёдимга тушади. Бугун бу қийинчиликларнинг ҳаммаси орқада қолди. Асака автозаводи, Бухородаги нефтни қайта ишлаш, Тўйтепада қад кўтараётган гигант газмол фабрикаси каби «ниҳоллар» бор — йўғи бир-икки йилда мева бера бошлади, диёримиз кўкида офтоб чарақлади. Албатта, дарё тошганда унинг юзига хас-хашак ҳам чиқади. Булар — ўткинчи. Ва бизнинг кемамиз кўп тўфонларни енгиб ўтиб, бепоён денгизга чиқиб олди. Денгиз — беқиёс, лекин манзил аниқ. Йўл — ойдин...

Мен шу сатрларни битиб ўтирганимда эшик очилди-ю, бир меҳмон кириб келди. Мен уни, тожикистонлик ўқитувчи Абдужалол Иброҳимовни узоқ йиллардан бери биламан, у-бу ёзиб юради, ўзи Турсунзода туманининг Яхшиобод қишлоғида яшайди.

— Ишлаяпсизми, Одил ака, — деди у сўнгсиз бир армон билан. — Сизларга ҳавасимиз келади-да.

— Нечун?

— Э-э, нимасини айтасиз. Мана, экин-тикин мавсумиям ўтиб кетди, бизда ерлар ўз ҳолича ётибди, ҳеч ким бу ҳақда ўйлаб ўтиргани ҳам йўқ, Одил ака, ҳаммамиз жон асраш қайғусидамиз...

Мен ич-ичимдан шукрлар айта-айта Оллоҳдан сўрадим: «Илоё, кемамизнинг йўли бехатар, Даргамизнинг қўли баланд, иродаси мустаҳкам бўлсин!»

ЮНУСОБОД ЧИНОРИ ЭДИ

Инсон хотираси азиз

— *«Ғуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласи...» деб қўйилибди. Ким бўлган экан бу одам?*

— *Билолмадим. Балки шу ерлик машҳур кишилардан бўлса керак-да...*

(Икки ёш талабанинг трамвайдаги суҳбатидан).

Ўша трамвайдаги ёшлар, давр шиддати ила кечаги кунимиздан хийла илгарилаб кетган ўғил-қизлар халқимизнинг асл фарзандларидан бири — Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номини билмасликлари табиий бир ҳолдир. Сабаби — Ғуломмаҳмуд аканинг шон-шуҳрати энг юқори чўққига чиққан йиллари бу фарзандларимиз ҳали туғилиб улгурмаган эдилар.

Мен бу инсонни хаёлда ўзимча «Юнусобод чинори эди» деб қуяман. Ҳа чинордай бақувват, чинордай ишончли эди у ўзи ҳам. Чинор умрини кўрди. Ҳалол меҳнати, одамийлиги, олижаноблиги туфайли ўз элининг меҳрини қозона олди. Шу боис ҳозир ҳам порлоқ хотираси халқимиз қалбида яшамоқда.

... Отаси Абдулла ака Тошкентнинг Себзор даҳасида узумчи Николай бойнинг батраги эди. Замон алғов-далғов бўлиб, бой синди. Абдулла аканинг ўғли аравакаш Ғуломмаҳмуд ўша йиллари энди 15 ёшга кирган эди. Ота-онаси ўтиб кетган, тўрт нафар қора кўз етим бўлиб қолгандилар. Ҳамма ташвиш Ғуломмаҳмуднинг бошига тушди. Кирмаган кўчаси, қилиб кўрмаган иши қолмади. «Қўшчилар иттифоқи» тузилгач, унча-мунча хат таний оладиган йигит унга аъзо бўлиб кирди. Бу иттифоқда кейинчалик халқ ҳурматини қозона олган фидойилар Темур Пулатов, Шукур Жалилов, Бўринисо Исоқовалар ҳам бор эди.

— Ўттиз икки ёшимда менга колхоз раислигини ишониб топширдилар, — дея эсларди Ғуломмаҳмуд ота, — битта арава, бир жуфт ҳўкиз, 2 та от, 1 та омочни қабул қилиб олдим. Колхозда ҳаммаси бўлиб 51 киши ишларди. 300 гектар ерни омоч билан ҳайдаб, кетмон билан эгат олардик. У пайтда ҳайбатли тракторлару машиналар қайда дейсиз.

Йиллар ўтаверди. Батракнинг ўғли Ғуломмаҳмуд қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрловчи олий курсни битириб келгач, даставвал ҳосилот, кейин участка бошлиғи бўлиб ишлади. 1940 йилдан эса колхоз раислигига сайланди. 65 йил бир ерда ишлади, унинг 50 йиллик умри раисликда ўтди.

Ғуломмаҳмуд ака Абдуллаев ҳаётда ўзидан ёрқин из қолдирди. Ўзи раҳбарлик қилган жамоа хўжалигини вилоятдаги энг бақувват, тўқ, истиқболли хўжаликлар қаторига олиб чиқди. Оқил, идрокли фарзандларига яхши тарбия берди. Икки ўғли фан доктори, профессор. Унинг фарзандлари орасида шифокор, ўқитувчи, агроном, инженер, юрист ва бошқа касб эгалари ҳам бор.

...Ушбу чизгиларимизни шоир Чустий ғазалидан олинган байт билан якунламоқчимиз. Маълумки, шоир билан Ғуломмаҳмуд акани узоқ йиллик

дўстлик ришталари боғлаган эди. Ғуломмаҳмуд аканинг саксон йиллигида шоир унга қуйидаги каломни бағишлаган эди:

Биродар, ёру дўст, колхозчилар,
фарзандларингиз ҳам,
Яшанг дейди, яшарган
мевадор ҳар битта илдиз ҳам,
Садоқат кўксида сайр этдингиз,
қолдирдингиз из ҳам,
Юраклар тўлқини айлар
ҳавас ҳаттоки денгиз ҳам,
Бу йўлга бошлаган
устозларингиз йўқдир армони.

Мурод ХАЛИЛОВ.

Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ва НАТО Бош котиби Хавьер Солана Россия ва НАТО ўртасидаги битимни тайёрлаш ҳақида музокаралар ўтказдилар.

***

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Америкалик миллионер Жон Дьюпон кураш бўйича олимпия чемпиони Дейв Шульцни ўлдиргани учун узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилди.

***

Монголиянинг собиқ ҳукумат бошлиғи ва Монголия халқ-инқилоб партияси собиқ бош котиби Ж. Батмунх вафот этди.

***

Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан АҚШга жўнаб кетди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«РЕЙТЕР» агентлигининг хабарига кўра, Польшанинг Гданск шаҳридаги кемасозлик корхонаси ўтган йили банкротга учраганидан кейин пул топиш мақсадида ўз цехларидан бирини тунги клубга ижара учун берган. Ушбу хабар Польша собиқ Президенти Лех Валенсада норозилик уйғотди. «Солидарность» касаба уюшмаси ташкилотчиларидан бири бўлган Валенса мазкур кемасозлик корхонасида 17 йил аввал электрикликдан ишни бошлаган эди. «Бу ёмон ҳазилга ўхшайди», — дейди Валенса «Рейтер» мухбирига.

***

Америкада чиқадиган «Вашингтон таймс» газетаси Сиэтл порти яқинидаги Хуан-де Фука бўғози атрофида шу йилнинг апрель ойида юз берган воқеа ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Америкалик мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, Россиянинг «Капитан Ман» кемасидан Канадага тегишли вертолёт томон лазер нури юборилиб, вертолётдаги учувчи ва америкалик зобитга зиён етказилган. Пентагоннинг махфий ҳужжатларига кўра Россия кемаси «Огайо» базасидан чиққан кеманинг изидан борган. Айни чоғда вертолёт эса Россия кемасини кузатиб борган. «Вашингтон таймс»нинг ёзишича, Россия кемаси тўхтатилиб, у текшириб кўрилганда америкаликлар лазерга ўхшаш бирон бир нарса топишолмаган. Уч кундан кейин эса кемани қўйиб юборишган.

***

«Дейли телеграф»нинг ёзишича, Сингапур суди икки нафар Буюк Британия фуқаросини таксичига тажовуз қилиб, унинг ҳамёнини ўғирлаганликлари учун 14 йилга озодликдан маҳрум этдилар. Ўғирлик суммаси бор-йўғи 20 фунт стерлингни ташкил этади. Бироқ Сингапур қонунлари бўйича ҳар қандай, шу жумладан энг майда қонунбузарлик ҳам кескин жазоланади. Айниқса, бундай ҳолат британияликлар билан юз бергани каби кечки пайтда содир этилган бўлса. Мақола муаллифи шунга боғлиқ бундан икки йил аввал юз берган воқеани эсга олади. Унда маҳаллий суд америкалик ўсмирни автомобилларни бўяб ташлагани учун ҳам қаттиқ жазога маҳкум қилган экан.

***

Германиянинг «ДПА» агентлигининг хабарига кўра, мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари бутун тарихи давомида энг кўп қонунни бузган ганноверлик 49 ёшли ишсиз юрган фуқарони Берлин суди уч йилга озодликдан маҳрум этган. Қизиғи шундаки, у ўз ҳаёти давомида 35 марта судланган. Агентлик маълумотларига қараганда, жиноятчи бу гал товламачилик билан қўлга тушган. У мамлакат бўйлаб катта саёҳат қилиш мақсадида бошқа ном ва сохта ҳужжатлар билан турли сайёҳлик агентликларидан темир йўл ва авиация чипталарини, шунингдек кўплаб шаҳарда меҳмонхона номерларини олдиндан банд қилиб қўйган. Судланувчи томонидан туристик бюроларга етказилган умумий зарарни ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассислари 10 минг немис маркасидан кўпроқ, деб баҳолашмоқда.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Болтиқбўйи мамлакатлари ҳарбий кучлари НАТОга аъзо бўлиб киришга тайёргарлик кўришмоқда.

***

Албания парламенти мухолифатни қониқтирмайдиган янги сайлов қонунини қабул қилди.

***

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Тель-Авив шаҳрида Исроил-Фаластин учрашувлари бўлиб ўтди.

***

Буюк Британия лейбористлар ҳукумати дастури парламент йиғилишида эълон қилинди.

***

МДҲ коллектив хавфсизлик шартномаси имзоланганига беш йил тўлди.

***

Россия Президенти Борис Ельцин НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан телефон орқали гаплашди.

«ТОМОША» — ГЕРМАНИЯДА

Узбекистон ва жаҳон

Германия шаҳарларида «Ўзбекистон маданияти кунлари» зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Чунончи, «Томоша» фольклор этнографик болалар гуруҳининг чиқишлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

— Маълумки, Германия ривожланган, юқори маданиятли давлатлардан, — дейди «Томоша» гуруҳининг бадиий раҳбари Нодира Қурбонова. — Мамлакат пойтахти Бонн шаҳри эса машҳур бастакор Бетховеннинг ватани. Умуман, бу ерда мусиқачилар, рассомлар ижоди гуркираган. Шаҳар кўчаларини кезганда немис миллатининг гўзалликка интилиши, маданиятни эъзозлашини ҳис этиб турасан, киши. Тарихий обидаларни асрашга эътибор катта. Айни пайтда ўзга халқлар маданияти ва ҳаётига ҳам қизиқадилар.



Шаҳарнинг катта концерт залларидан бирида намойиш этган дастуримиз олқишлар билан ўтди. Санъатимизга қизиқиш катта экан. Вакилларимиз томонидан ижро этилган «Яйраяйра», «Ўзбегимнинг байроғи», «Элим» ва «Омонёр» каби халқ ўйинлари, тортишувлар ижро этилганда залда ўтирган болалар ҳам бизга жўр бўлишди.

— ***У ерда ҳам болалар театр гуруҳлари бўлса керак?***

— Сайллар ва байрамларда болаларнинг чиқишлари уюштирилар экан. Бонн шаҳри мактабларида намойиш этган концертларимиз ҳам болакайларни ром этди. Сезишимча, мактабларда интизом муҳим масала саналар экан. Ўзаро ҳурмат, мактабни, қолаверса, табиатни асраш, муҳофаза қилиш ишларига эътибор катта. Хусусан, табиат бурчакларида сакраб юрган олмахону қуёнлар каби жониворларга меҳр нишонасидир. Муҳими, ўзимизни эркин, меҳмон эмас, мезбонлардек ҳис этдик.

Фотима ИСЛОМ қизи.

СУРАТДА: «Томоша» гуруҳи.

Норвегия шундай мамлакатки, у ерда ҳамма нарса қонун ҳимоясида, бу қонунларга риоя этиш ҳаммадан талаб этилади ҳамда қонун бажарилиши қаттиқ назорат остида бўлади. Ҳатто

СИЧҚОН ҲАМ ҲИМОЯДА

Свальбард ороли губернаторининг иш юритиш хонасида кўпайиб кетган сичқонларни ўлдириш учун ҳам губернатордан рухсатнома олишди. Жаноб губернатор рухсат берди — фақат бешта сичқонни ўлдиришга, шунда ҳам қопқон ёрдамида. Шуниси қизиқки, қопқонлар фақат буфетшкаф ёнига қўйилишига рухсат этилди.

Мадрид шаҳар мэри ўтган йил охирларида транспорт ҳалокатининг олдини олиш мақсадида автомобилда кетаётиб телефонда гаплашишни таъқиклаган эди. Кимки ҳаракат давомида телефон орқали гаплашса, унга беш минг песет жарима белгиланади. Бироқ бу жарима билан уларни «кўркитиб» бўлмаяпти, яъни йўлда кетаётиб гаплашувчилар камаймаяпти. Эндиликда шаҳар мэри жарима миқдорини яна оширмоқчи.

АВТОМОБИЛДА ГАПЛАШИЛМАЙДИ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 19

Профилактика муносабати билан 19 май, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Оила». Тележурнал.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиёсат оламида».
21.30 Ўзтелерадиокомпания эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.50 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Бу оқшом...».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.35 «Спорт қитъаси».
23.05 «Этнограф».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.25 «Дил изҳори». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро».
10.35 «Ҳаворанг атиргул». Болалар учун фильм.
11.40 «Эзгулик».
11.55 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.20 «Бўлутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
12.30 «Келдию кетди». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.15 Янгиликлар.
*
17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Мине». Бадиий фильм (Туркия).
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Жаҳон».
19.55 «Мусиқий танаффус». Д. Маликов.
20.10 «Сўз — сизга».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Дидар».
21.05 «Ракурс». XII Тошкент Халқ-аро кинофестивали олдидан.
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса» Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тоғларнинг гули ўзгача».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтидорлилар — юрт таянчи». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 Бухоро — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
12.20 Болалар учун. «Оқ рух».
12.40 Ҳ. Муҳаммад. «Жиноят устида ушлансин». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 Абитуриент-97. «Тест синовларига тайёрмисиз?».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.50 «Юртим жамоли».
19.10 «Тамойиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санъат дўстликка чорлайди».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар». Токио океанарияси.
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Ер-ер». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 Мусиқий шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.40 Кундалик.
22.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Капитан Блад саргузашти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.50—23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнес-мирас».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Олам ва болалар».
20.35 «Азизим».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Мезон».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «Экстремал ўйинлар».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «»Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол қушиқлари».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Излаган имкон топар...».

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!».
*
12.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.35 «Шаҳризорданинг охирги туни». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.05 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.10 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Маърифатнома».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. Халқлар Дўстлиги саройидан трансляция пайтида вазиб олинган.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Этнограф».
10.30 «Нафис мажлислар».
10.45 «Мусиқий шарҳ».
10.55 «Авлодимиз».
11.10 «ТВ плюс...».
11.25 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
12.35 — 14.20 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
21.45 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 «Кинонигоҳ».
23.45 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Ялқов», «Хазина». Мультфильмлар.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Семург». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
22.45 «Игорь Крутой қўшиқлари». 1-қисм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 Болалар учун мультфильмлар.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Интер-спорт».
21.45 «Коктейль-плюс».
22.15 «Каталог».
22.25 «Эллада».
22.55 «Ҳамшаҳарлар».
23.20 «Компьютер-ревю».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ҳожиакбар Ҳамидов куйлайди». Фильм-концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
9.40 «Нуроний». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
12.40 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.55 «Қалб гавҳари».
19.15 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Репортаж».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эртага — шанба.
00.10 «Аудитория». Ток-шоу.
00.30 «Ринг».
00.50 Тунги тароналар.
01.00 — 01.10 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.55 «Қушиқлар жилоси».
10.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.35 Видео—«О».
12.05 — 12.35 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.

«Оқшом». Ёшлар дастури:
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.50 Мулоҳаза учун мавзу. «Биринчи ўқитувчи».
19.05 «Балоғат бекати».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
20.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Ханда дўкони».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Жаҳон кузойлоқчилари».
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.00 Эълонлар.
21.35 «Унг қиргоқ, сўл қиргоқ». Бадиий фильм (Франция).
23.05 «Игорь Крутой қўшиқлари». 2-қисм.
00.20—00.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Салом, кинофестиваль!».
20.30 «Монитор-Осиё».
21.30 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Олам ва одам».
22.00 «Шаҳрим — фахрим». XII Тошкент Халқаро кинофестивалига.
22.30 «Ўй остонадан бошланади».
23.00 «Қанотлар».
23.20 «Рангинкамон».
23.50 Араб эстрадаси.
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Фил учун совға». Мультфильм.
8.45 «Санъат ғунчалари».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳрўх клуби».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Мен билган, билмаган дунё».
10.50 «Таянч».
11.10 «Хабарнома».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.35 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
13.40 «Маънавият» видеоканали.
14.40 — 15.50 ЎзТВ хазинасидан. Насрулло Қобул. «Амир Музаффар». Видеофильм. 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Ранглар жилоси».
18.35 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
19.00 «Ғайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 34-қисм.
22.55 «Азиз сиймолар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш. Зоҳидов.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.15 «Мусиқий саёҳат».
23.30 «Никоҳ тумори». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).

II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 Мулоҳаза учун мавзу. «Биринчи ўқитувчи».
*
9.50 «Балоғат бекати».
10.20 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.30 — 13.30 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Микки Рурк «Илтижо» криминал драмасида.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.00—23.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
00.25—00.55 «Шарқ тароналари: Регистон узра наволар».

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Кечки зиёфат». Бадиий фильм.
10.55 Эълонлар.
11.00 «Спектаклдан сўнг».
11.25 Шанба эртаги.
12.25 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.10 Корейс тилини ўрганамиз.
13.30—14.50 «КВН-97».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Мушоира».
20.30 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.35 «Рақслар қанотида».
21.05 Эълонлар.
21.10 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм.
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.05 «Эсдалик учун дастхат».
23.35 «Хит-коллекция».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Бугун якшанба дастурида.
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.40 «Катта танаффус». Телеўйин.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бир ўлка-ки...».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 34-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 10-серия.
13.30 «Ўзбекистон спорти».
13.45 «Мусиқа салтанати».
14.10 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
15.50 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
16.35 — 16.45 «Тақвим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...».
18.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 11-серия.
19.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Камбоджа. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Камбоджа. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу мунис лаҳзалар».
21.55 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.15 «Келгуси ҳафтада».
22.30 «Шаҳс ва баҳс».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 «Тунги сеанс».
01.00 «Тақвим».
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили...».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Глобус». Телеальманах.
12.05 — 13.55 Видео—«О».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Табиат шифохонаси».
18.55 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 «Умрбоқий мерос».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 Дилнавоз садолар.
20.30 «Глобус». Телеальманах.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 Видео—«О».
23.50 «Мухлис ТВ-2».
00.05 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК!

Шеър ва шуур

Юртим Ўзбекистоним,
Бахтим, шарафим, шоним.
Сени дилдан қутлайман,
Жаҳон ичра жаҳоним!
Истиқлолинг муборак,
Хуш иқболинг муборак,
Ўн иккита юлдузу
Бир ҳилолинг муборак!
Ҳумодан кўтариб туғ,
Ўзбекистоним қутлуғ,
Ҳар бир босган қадаминг
Саодатларга тўлуғ!
Байрамингдан яшнар дил,
Яшаймиз шоду аҳил,
Тинчлик бўлсин доимо,
Гуллаб, яшна муттасил!
Юртбоши омон бўлсин,
Соғ ишчи-деҳқон бўлсин,
Туркистон—Турон янглиғ,
Юрт Ўзбекистон бўлсин!

1

ҒОЛИБЛИК ҚАЙТА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Яқинда республиканинг энг кучли хотин-қиз шахматчилари 59-марта тўпланиб, пешқадамларни аниқлаш учун ўзаро баҳслашдилар. Мустақил мамлакатимизнинг олтинчи чемпионатида спорт усталари, бу номга талабгорлардан 14 нафари ўртасидаги баҳснинг охирги якунловчи ўйинлари арафасида республика экс-чемпиони Рена Мамедова билан энг ёш иштирокчилардан бири Ирина Горшкова 12 имкониятдан 9,5 тадан очко жамғариб, ҳаммадан ўзиб кетган эдилар. Бу икки пешқадам якунловчи 13-турда ўзаро куч синашдилар.

Мамедова муҳим ғалабани қўлга киритиб, чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Горшковага учинчи ўрин насиб этди. 13 имкониятдан 10 очко жамғарган Анжела Хэгай иккинчи бўлди. Кўп марта республика чемпиони, халқаро мастер Ольга Ким 9 очко билан жадвалнинг тўртинчи поғонасини банд этди.

Чемпионга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таъсис этган соврин — дунёнинг исталган жойига бепул бориб келиш ҳужжати топширилди. Иккинчи соврин А. Хэгайга «Камолот» жамғармаси мукофоти — магнитофон билан, И. Горшкова Ўзбекистон маҳаллий саноат корпорацияси совринига, Ольга Ким эса давлат спорт қўмитаси таъсис этган мукофотларга сазовор бўлди. Икки иштирокчи — И. Горшкова билан Е. Крючковалар биринчи марта миллий спорт устаси унвони талабларини ошириб адо этдилар.

БУНАҚАСИ — БИРИНЧИ МАРТА

Куни кеча республика шахмат клубида бошланган Ўзбекистон олий табақа эркаклар чемпионатида гроссмейстерлик унвони талабларини бажариш имкони юзага келди. Зеро, унда 3 нафар гроссмейстер, 6 нафар халқаро мастер ва 5 нафар миллий спорт усталари қатнашмоқда. Чемпионатнинг биринчи куни халқаро мастерлар Д. Қаюмов билан самарқандлик А. Барсов учрашуви жуда қизғин давом этиб, икки сипоҳини қурбон қилган Қаюмовнинг 23-юриши чиройли ғалабаси билан якунланди. Халқаро гроссмейстер А.Ненашев 33-юришда республика чемпиони С.Йўлдошевни, халқаро мастер В.Егин эса 43-юришда энг ёш иштирокчи — самарқандлик И.Ҳамроқуловни енгиб чиқди. Уч учрашув дуранг билан якунланди.

Шатранж оламида

Иккинчи тур янада кескинроқ тус олди. Гроссмейстер Ненашевга қарши қора доналарни сурган В. Егин курашнинг бешинчи соатида бир неча нафис юришлар қилиб, афзалликка эришиб, муҳим ғалабани қўлга киритди. Сафин Кагаровни, Қурбаддинов Барсовни, Салтаев Ҳамроқуловни енгди. Қолган учрашувлар битим тузиш билан тугади.

Кейинги икки тур янада беаёв курашларга бой бўлди. Дастлабки тўрт тур учрашувлардан сўнг самарқандлик ёш спорт устаси Марат Жумаев 3,5 очко билан якка пешқадам бўлиб олди. Тўртинчи турда гроссмейстер М.Салтаевни енгиб чиққан Д.Қаюмов самарқандлик Ш.Сафин ва халқаро мастер В.Егин 3 тадан очкого эга. Кураш тобора кескинлашиб бормоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

1997-yil 17-may, shanba № 57 (22.147).

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

***

Гўзаллар гўзали ораста Лола,
Шаҳло кўз, қошлари пайваста Лола.

Субҳидам чаманда назокат билан,
Келсайди қўлида гулдаста Лола.

Севгани қуёшми, тонг сабосими?
Ел-ла кетмасайди бир пасда Лола.

Баҳорда лолалар қилар анжуман,
Севгисин айтсайди дилбаста Лола.

Хаёлда кезаман Ҳисор тоғларин,
Қўлларимда ғунча — нораста лола.

Гўзаллик рамзисан гуллар ичинда,
Гуллар сенга боқар ҳавасда, Лола.

Умрим баҳоридан аччиқ хотира,
Яшайсан дилдаги қафасда, Лола.

Кўксимдан ер бағрин ёриб чиққандек,
Чиқмасанг бас сўнгги нафасда, Лола.

***

Лабинг ғунча, юзинг гул, йўқ тикони,
Этар маст сочларинг анбарфишони.
Эрур ҳар кипригинг бир тири паррон,
Кўзинг юлдуз, қошинг аксй самони.
Қадинг ширин ниҳоли бу ҳаётдир,
Сенга етмак чу бахти жовидоний!
Бўлар ошиқ худодан кўрқмаганлар,
Ки севсанг сен аввал севгил худони!
Илоҳий ишқ ила фарқли мажозий,
Недур, исботлаб бўлмас Зуллисоний.

***

Яша умрингни, шод кайфу сафо қил,
Ишончни оқла аҳдингга вафо қил.
Ёмонлар кўп ҳаётда яхшилар кам,
На камлиғдан ўзингни мосуво қил.
Сени севса хотин, фарзандларинг бас,
Оталик қарзини доим адо қил.
Бировга қилма аҳлингдан шикоят,

2

Ёмонми яхши бор, шукри худо қил.
Гўзаллар васли арзон бу замонда,
Имонингдан кечиб не бир имо қил.
Қаноат бирла инсонлик ғурури,
Муқаддасдир уни не зери по қил.
Улашмаслар ақлни Зуллисоний
Ки ҳар бандангта Оллоҳим ато қил!

***

Ғамли кўнгил учун мусиқа малҳам,
Шўх куйми ё ҳазин бунинг фарқи кам.
Айниқса ярим тун келмаса уйқу,
Алданган қиз каби кўз ёш тўкса шам.
Саёқлар шовқини тиниб кўчада,
Сукунат қўйнига кўмилса олам,
Бемалол кўрпага бошингни ўраб,
Бир лаҳза ухласанг мисоли одам.
Гоҳ мошин тирриллар, гоҳ бир шаллақи,
Индамай дейсану қилади алам.
Кўчага чиқасан ярим кечада,
Ўзгалар тинчини бузгани сен ҳам.
Ҳайвонлик қилишга қурбинг етмасдан,
Изингта қайтасан яна хотиржам.
Кейин унутасан, кўзинг илинар,
Ухлайсан, ухлайди юрагингда ғам.

***

Оллоҳ шукуҳ берсин истиқлолимга,
Ўн икки юлдуз жуфт бир ҳилолимга,
Ҳумодан туғ тутиб бахтиёр халқим,
Берар бахт жавобин ҳар саволимга.
Елкамда йўқ энди бировнинг юки,
Эгаман ўз фикру ўз хаёлимга.
Ҳеч кимса бўйнини қисиб юрмагай,
Ё ҳақин едириб бирор золимга.
Бири кам дунёда орзуларим кўп,
Умид-ла боқяпман эрк ниҳолимга.
Парилар куйласа қўшиқларимни,
Девлар ҳасад қилди истиқболимга.
Барибир қарғалар узоқ яшайди,
Ўлсам ачинмайди менинг ҳолимга.
Худо сўз қудратин бердинг, минг шукур,
Ва лекин бермадинг омад Олимга!

Олим БЎРИЕВ.

3

Спорт

ЧЕМПИОН ШАРАФЛАНДИ

НУКУС. *Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Уббиниёз Аширбеков кик-боксинг бўйича жаҳон чемпиони Еркинбой Қўттибоевни қабул қилди. Таиландда ўтказилган мусобақада муваффақият қозонган чемпионнинг қариндош-уруғлари ва устозлари ҳам шу ерда ҳозир бўлишди. Уббиниёз Аширбеков чемпионни чин қалбдан табриклаб, тарбиялаган ота-онаси ва устозларига миннатдорчилик билдирди, катта муваффақиятлар тилади. Е. Қуттибоевга қимматбаҳо совғалар инъом этилди. Қабул маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси С.Авезматов, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А.Асанов қатнашди.*

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

МУНОСИБ ТЎЁНА

ХОРАЗМ. *Ҳева шаҳрининг 25 асрлик тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. «Қўша дарвоза» ёдгорлиги олдидаги майдонда бунёд этилаётган йирик теннис мажмуи ҳам шаҳар тўйига муносиб совға бўлади. Бу ерда еттита теннис майдончаси ва бошқа ёрдамчи бинолар тикланмоқда. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган, халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган бу спорт кошонаси вилоятда теннисни ҳар томонлама ривожлантиришга имкон беради. Шаҳардаги 73-механизациялашган қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ишларни юксак сифатларда ташкил этиб, теннис мажмуини шаҳар тўйигача фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишмоқда.*

Рўзимбой ҲАСАН.

Внимание руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи»
предлагает к реализации запчасти на автомобили

ГАЗ-24
Автошины РАФ 185/82 R
Вилка сцепления
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Втулки резьбовые
Выжимной подшипник
ГПГ (4 гильз.+ 4порш.)
Главн. тормоз. цилиндр Г-24
Диск сцепления ведомый
Карбюратор К-126Г
Катушка зажиг. Б-117
Кольца поршневые
Накладки тормозные
Отбойники зад. рес.
Подушка перед. двиг.
Подшипник 7607
Прокладка клап. крыш.
Прокладки гол. блока
Уплотн-ль (сем., флаж.)
Шаровые пальцы в сб.
Шкворня Г-24 с подшип.
УАЗ
Кардан передний УАЗ-452
Кардан передний 452
Подшип. перед. ступицы
ГАЗ-53
Бензонасос Г-53
Блок шестерен КПП
Вал первичный
ГПГ Г-53 (Самарканд)
ГПГ Г-53 (Завольже)
Капот
Клапан впускной
Клапан выпускной
Коленвал Г-53 с вклад.
Корзина Г-53
Накладки сцепления
Накладки торм. задн.
Накладки торм. перед.
Подшипник выжимной
Проклад. гол. блока
Рем. комплект вакуума
Рычаг сцепл. с подшип
Свечи А-11
Стартер Г-53
ЗИЛ-130
Балка перед. моста
Вкладыши компрессора
Втулки шкворней
Диафрагма 3-130 тормоз.
Капот
Кольца порш. Р-100.5, 101
Крестовина 3-130
Пальцы рул. тяги
Подшип. ступицы-7608
Подшипник выж. 688811
Поршень с пальцами
Прок. пауки пер. и зад.
Прокл. всас. колл. бок.
Прокл всас колл. пер.
Прокладка гол. блока
Прокладка клап. крыш.
Радиатор 3-130
Ремень клиновой 1550
Ремень клиновый 1103
Рессоры пер., задн.
Сальник зад. ступицы
Сальники клапанов.
Синхронизатор 2-3 пер.
Тормозная камера
Уплотн. трубы глушит.
Диск ведомый
Шестерни КПП втор вала
ЗИЛ-131
Лебедка
Мост задний
Мост передний
Полуось
Редуктор задн. моста
Редуктор ср. моста
КАМАЗ
Подшипник выж. 9588214
Блок двигателя
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
ГПГ КАМАЗ
Генератор Г-273
Клапан двойной тормоз.
Крестовина в сборе
Манжета 5160
Манжета 76/80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки сцепления
Накладки торм. КАМАЗ
Плунжерные пары
Подшипник опор. 108810
Прокладка клап. крыш.
Распылитель КАМАЗ
Реле-регулятор Я-120
Ремень 8,5-8-1280, 1320
Сальник зад. ступицы
Стартер СТ-142
Термостат ТС-107
Фильтр топливный
МАЗ
Балка передн. моста
Вал карданный 6422 (СуперМАЗ)
Вкладыши шат.
Включатель мас. ВК 700
Клапан впускной
Клапан выпускной
Кольца порш. на 1 порш.
Крестовина в сборе
Механизм перек. ЯМЗ (кулиса)
Пальцы поршневые МАЗ
ТНВД ЯМЗ Г-38
Фильтр топл. гр. очис.
Фильтр топл. тон. очис
Шестерн. вед. борт. пер.
Шестерня ведущ. борт.
ПРОЧИЕ
Автолампа А24-5-1
Болт М-10 L-150
Болт М-12 L-50
Гайка М-10
Гидроцилиндр трактор
Головка блока А-01
Насос гидр. 21016Н
Пистолет заправочный
Трос спид. L-2.5
Трос L-1.5-1.6
Паронит ПОН 0,4; 0,6; 0,8 мм
Сальниковая набивка — АПР 10 мм, 18мм
Асботкань АТ-1
Асботкань АТ-3
Слесарные инструменты более 15 наименований.

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

Оплата по перечислению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

Азиз юртдошлар! Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Республика Кўчмас мулк биржаси барча сармоядорларни 1997 йил 27 май соат 10.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган КИМОШДИ савдосига таклиф этади

Шошилинг!
Кўчмас мулк — кетмас давлат!

Савдога Ўзбекистоннинг барча вилоятларида жойлашган «Ўзгўштсутсаноат» бирлашмасига қарашли иншоотлар, паррандачилик фабрикалари, қурилиши тугалланмаган бинолар қўйилади.

Шунингдек:

1. Навоий вилоятидаги Нурбулоқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли Навоий тумани бўрдоқичилик базаси.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 200 минг сўм.

2. «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятининг мулклари:
а) ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш корпуси.
Бошланғич баҳоси — 43 млн. 816 минг 490 сўм.
б) ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент вилояти, Алимкент шаҳридаги тажриба заводининг филиали.
Бошланғич нархи — 17 млн. 734 минг 320 сўм.
в) Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги дам олиш маскани.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 172 минг 190 сўм.

3. «Фотон» ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги филиали мулклари.
а) бинолар-19 млн. 836 минг 900 сўм;
б) қурилмалар-37 минг 400 сўм;
в) узатиш қурилмалари, машиналар ва жиҳозлар — 5 млн. 926 минг сўм;
г) қурилиши тугалланмаган иншоотлар — 7 млн. 533 минг 600 сўм.
Умумий бошланғич баҳоси — 33 млн. 333 минг 900 сўм.

4. Самарқанд вилояти Савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли мулклар:
а) Самарқанд шаҳри, «Тошкент» кўчасидаги 60/12 метрли икки қаватли бино. Унинг маъмурий биноси алоҳида жойлашган. Атрофи ўралган. Боғи бор. Сув тармоғи, электр энергияси ва иситиш тармоғига эга.
Бошланғич баҳоси — 20 млн. сўм.
б) Катта «Ўзбекистон» тракти яқинидаги, Чўпон-ота массивида жойлашган 5000 м.кв. га эга 11 та омборхона. Улар алоҳида ҳам сотилиши мумкин.
Умумий бошланғич баҳоси — 30 млн. сўм.
в) Фарҳод посёлкасида жойлашган юк сақлаш ва ортиш базаси. 2 гектар майдони бор. 600 м. кв. га эга омборхоналари мавжуд. База ичига темир йўл киритилган, атрофи ўралган.
Бошланғич баҳоси — 10 млн сўм.
г) Эронда ишлаб чиқарилган икки дона новвойхона қурилмалари. 8 соат ичида 900 кг. маҳсулот ишлаб чиқаради. 4 та ишчига мўлжалланган. Новвойхона қурилмалари янги бўлиб, ҳали очилмаган. Тўлов шакли турлича.
Қурилмалар ҳар 1 тасининг бошланғич баҳоси — 920 минг сўм.

5. Фарғона вилояти, Сўх туманида жойлашган 6-сонли АЁҚШ. 2100 м.кв. ери билан сотилади.
Бошланғич баҳоси — 538 минг сўм.

6. Фарғона вилояти, Боғдод туманида жойлашган 4-сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 791 минг 400 сўм.

7. Фарғона вилояти, Охунбобоев туманида жойлашган 16-сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 604 минг сўм.

Ушбу иншоотлар ва мулкларга қизиқиши бўлган ҳуқуқий, жисмоний шахслар ва корхоналар вакиллари республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Биржа амалга ошириладиган ҳар бир савдонинг қонунийлигини таъминлайди. Қонунийлик хотиржамлик ва кафолот демакдир!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй, Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29, 36-79-62, 36-15-32.

«АМИСКЭ»
фирмаси

Россия заводларида ишлаб чиқарилган автомобиль ва қишлоқ хўжалик техникаси ШИНАЛАРИНИ, шунингдек УАЗ автомобилларини СОТАДИ.



Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7-уй, 302-хона. («Узгипроводстрой» илмий тадқиқот институти биноси)
Телефон: (3712) 41-13-52.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА